



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар! Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим! Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизгин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, қузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юртар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир» деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётини фалсафа муҳассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабақларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси аввало оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳаммаша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чикишларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёримизда яшаётган барча аёлларни дунёда энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганининг тенгисиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва севги изхори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнатқашлик ва шукроналик, чидам ва сабрбардош каби юксак инсоний фазилатларини намойён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан тақдор ва тақдор гапиршишга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида кайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сихат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чиroy қилинган, бозор ва дўконларимиз, дастурхонларимиз тўқин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундали ташвишларни енгили қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганда кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мануният бағишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яра-

тиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бугун халқимизнинг эзгу орзуси бўлиши ҳар томонлама соғлом наслни вояга етказишда «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилич тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳолалиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар неғизда авваламбор сиз, жонқуяр ва фидойий опа-сингилларимизнинг билими ва тажрибаси, машаққатли меҳнати муҳассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хурматли ватандошлар! Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони аввало оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилининг юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар таъминлий ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллиард доллар миқдордаги кенг қўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. **Айни вақтда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чиroyи, кўрки ва файзи бўлган сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонман.**

Муҳтарама юртдошлар! Биз мустақил тараққиёт йилларида — тарихан қисқа бир даврда беқиёс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими — юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодий-иқтисодий бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслақдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

Қадрли опа-сингиллар! Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриқлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳаммаша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари. Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ОИЛА ЧИROYИ ВА ЧАРОҒБОНИ

«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган айни кезларда гўзал аёлларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Бу айём, азиз аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда, катта шоду хуррамлик билан эълон нишонланади.

Мустақиллик майдонида қад ростлаган хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақил-ёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида хотин-қизлар масаласи давлат сармалари меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент поийига гуллар қўйдилар. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муно-

сабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуруний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам та-

(Давоми 2-бетда.)

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини

АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР



Ўзбек оиласида фарзанд дунёга келса, дилларга қувонч улашади. Аммо унинг эртага ким бўлиб улғайиши, ҳаётда қандай ўрин топиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Ёш авлодни вояга етказиш, оиласи ва жамиятга нафи тегадиган инсон қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эзгу қадрият ва анъаналар давомийлигини таъминлаш аёл зиммасида. Шу боис халқимиз оналарни улуғлайди.

Оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг макеини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизими тақомиллашди. Хотин-қизлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгалламоқда. Ватанимизда ўтган йиллар «Оила йили»,

«Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Баркамол авлод йили» деб номланиши, шунга мувофиқ тарзда кенг қўламли ишлар қилиниши ҳам хотин-қизларга бўлган чексиз ҳурмат, аёлга эътибор, келажакка ғамхўрлик ифодаси, аслида.



БОДОМ ГУЛЛАДИ

Баҳор насимлари, кўклар нафаси жаннатмакон ўлкамизнинг сўлим воҳаси Сурхондарёдан — очилган бодомнинг қийғос гулларидан бошланади.

— Балиқ йили анча баракали ва серёгин келди, — дейди Денов шаҳрининг «Лолазор» маҳалласида истиқомат қилувчи 102 ёшли Холдона момо Бердиқуллова. Утган йили январь ойининг бошларидаёқ воҳада бодом ва ўрик гуллаган бўлса, бу йил февраль ойи поёнида Жарқўрғонда яшил олам уйғонди.

— Яқинда ҳовлимизда бодом гуллади, — дейди Жарқўрғон туманидаги «Бешбулок» маҳалласида истиқомат қилувчи Султон Мўминов. — Қўшниқимизнинг уйдаги ўрик ҳам оқ либосга бурканган. Шўқрона келтираётган кайвони момоларимиз минг дардга шифо сумалак ва ҳалим ками миллий таомларимизни тайёрлашни бошлаб юборишди...

Жанубда саҳродир, Шимолда муз, қор, Фарбада чайқалади уммонлар виқор. Агар Шарқ бўлмаса рўйи-заминга, Қайдан келар эди, мўъжиза — Баҳор!
Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОФБОНИ

«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали ийишлик бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» мақсади дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дунё ҳам-жамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлигини сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган савий-харакатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада омалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-миглаб қизларга муносиб байрам тўхфаси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол қадриятларига уйғун эзгу ва ноёб аънанадир.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шуғулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустақкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодларнинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган «Ораста қизлар» тўғараги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Мустақкам оила йили» Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлигини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уч мингтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилди, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертил ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгайди.

— Ушбу байрам тадбирга йиғилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзига мамнуният инфо-дасини кўриш мумкин, — дейди Андижон вилояти Шахрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Шўхрат» медалли соҳибаси Арофатхон Усмонова. — Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустақкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Исрол Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Наманган давлат университетини қошидаги академик лицей ўқувчиси Меҳриноз Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳида ва бошқалар хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Исрол Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

Сарой фойсисда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бадиий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадиий, хунармандчилик ва касаначилик махсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижроичиларнинг байрам концерти намойиш этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собирова, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР

Йилимизнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши ва ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш, шу орқали аёллар оғирини енгил қилиш давлат ва жамият олдидаги энг муҳим вазифа этиб белгиланиши барчамизнинг кўнглимизни кўтарди.

Президентимизнинг «Мустақкам оила» йили Давлат дастури тўғрисидаги Қарориди борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Унинг ижроси юртимиздаги ҳар бир оила мустақкамликка хизмат қилади. Масъулиятли ҳар бир киши, у раҳбарми, депутатми, оддий ишчиси, қатъи назар, бу жараёнда ҳамфикр ва ҳамжихат бўлиши лозим. Шунда қўзланган эзгу мақсад рўёбга чиқишига муносиб ҳисса кўшган бўламиз.

Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошиши, хотин-қизларимизда ишбилармонлик қобилиятини кучайтириш, улар учун янги

(Давоми. Боши 1-бетда.)

иш ўринлари очил, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш — оила мустақкамлигида асосий омил бўлади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари оид қатор халқаро ҳужжатларнинг аксарияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун тегишли меъёрлар яратилган. Бу — ҳаётда ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирги кунда аёллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари орасида 22, Сенат аъзоларининг 17 фоизини ташкил қилади. Вилоят Кенгашлари депутатларининг 12,5, туман Кенгашларининг 15, шаҳар Кенгашларининг 18,1 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Агар маълумотларни таҳлил қилдикан бўлсак, сўнгги йилларда хотин-қизларимиз фаоллиги охиб бораётганини кўраемиз. Мамлакатимизда уларга алоҳида эътибор қаратилгани шунга замин ярат-

моқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг 182 тасида парламент мавжуд. Дунё парламентларининг 9 тасида хотин-қиз депутат йўқ. 173 мамлакат парламентида аёллар вакил қилиб кўрсатилган, шундан 83 тасида аёллар номзод кўрсатиши бўйича квота жорий этилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонунда сиёсий партиялар томонидан парламент депутатлигига кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақидаги қонун мустақкамлаб қўйилган. Бу — давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш учун аёлларга яратиб берилган имкониятнинг яна бир кафолати, десак, муболага бўлмади.

Она ва бола саломатлиги — ижтимоий-иқтисодий фаровонлик даражасининг муҳим кўрсаткичи д-ри. Она ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши Конституцияимизнинг 65-моддасида белгиланган. Оила Кодексининг 4-моддасида она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш, аёллар меҳнати ва соғ-

лигини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, меҳнатни оналик билан бирга олиб бориш учун шароит яратиш, оналик ва болаликни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш тартиби белгиланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида она ва бола саломатлигига эътибор нечоғли кучли экани сир эмас. Мана шу ғамхўрлик туфайли республикада оналар ўлими 2 баравар, болалар ўлими 3 баравар камайди. Утган йилги йил давомида аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга етди. Бу, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги эзгу ишларнинг меvasи, албатта.

Фарзандлар соғлиги учун курашиш аввало келажакка ғамхўрлик, она зотига кўрсатилаётган эҳтиром, деб билимқо керак. Зеро, она учун фарзанд камоли ва бахтини кўришдан ортиқ саодат йўқ. Оналарни улуғлаган Юрт ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

ОНАЛАР ҚАДР ТОПАЁТГАН ЮРТДА

яшаб, меҳнат қилаётганимдан бахтлиман!

■ Аёл «мен бахтлиман!», деб баралла айта олиши учун, аввало, оиласи тинч, рўзғори бут бўлиши лозим. Айниқса, фарзандлар камоли, яқинлар меҳри, кимгадир кераклигининг ҳис қилиб яшаш кўнгилни тоғдек кўтарди.

Турмуш ўртоғим билан уч фарзандни воёга етказдик. Бешта набирам бор. Болалар тарбияси ҳамда иш фаолиятимда оила муҳитида олган ҳаёт сабақлари қўл келади. Қайнонам оилада ҳам, ҳаётда ҳам менга яқин кўмакчи бўлган. У киши оилада, жамиятда аёлнинг ўрни факатгина унинг меҳнати билан эмас, балки ширин сўзи, муомаласи, жонқурлиги ва покиза қалби билан улчанишини кўп тақдорлар эди. Бу ўғитта доим амал қилишга интиланман.

Бугун оилалар мустақкамлиги, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш,

хотин-қизларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлашда маҳалларнинг ўрни бекиёс. Эркин Болтабоев, Ботир Каримов, Мавлуда Ризаева, Фаизлат Шукророва каби фароғларимиз билан бу масалага алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш асосий вазифаларимиз сирасига қиради. Чунки меҳнат билан банд аёлнинг рўзғора ёрдами тегади, жамиятга керак эканини ҳис қилади, ижтимоий фаоллиги ортади. Бу борада кўп ибратли мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, маҳалламизда исти-



қомат қилувчи Назокат Шоқирова биринчи гуруҳ ногирони бўлса-да, келин-қизларга тўқувчиликни ўргатади. Шаҳноза Бобохонова раҳбарлигидаги «Борлик» тиву-чилик цехида 15 нафар хотин-қиз иш билан банд. Улар тикаётган либослар аёллар хуснига ҳусн қўшаётти.

Бу ҳақда гап кетганда, Юрт-бошимизнинг «оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва макени янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим», деган ундови ёдга тушади. Ҳар биримиз бундан ҳулоса чиқариб олишимиз керак. Шунда аёл зоти ҳар бир оилада қадр топади, жамиятда муносиб ўринга эга бўлади.

Дилором ХАЙДАРОВА,
Сергеи туманидаги
«Абдурахмон Жомий» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси,
ЎЗХДП бошланғич
ташкilotи етакчиси.

ДЕПУТАТ АЁЛ

парламентда, оилада...

■ Халқимиз азалдан аёлни эъзозлаган, унга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келган. Бу — бежиз эмас. Ҳар бир оила, умуман, жамиятда меҳроқибат, ҳамжихатлик мустақкам бўлишида аёлнинг ўрни ва таъсирини бошқа ҳеч нарса билан ўлчаб, тенглаштириб бўлмайди. Фарзандлар камоли, турмушнинг файзу таровати, ишнинг баракали бўлиши оқила аёллар туфайли.

Шуниси диққатга сазоворки, бугун хотин-қизларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам муносиб ўрин топмоқда, фаол ва жонқур аёллар сафи, уларнинг жамият ривожига таъсири тобора ортий бормоқда. Улар давлат ва жамият бошқарувида самарали фаолият кўриштириб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшаёпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 33 нафар аёл депутат фаолият кўришаётти. Хусусан, ЎЗХДП фракцияси аъзоларининг 8 нафари хотин-қизлар. Уларнинг бири — Комила Каромова. У 123-Насаф сайлов округидан сайланган. — Қарши шаҳар Кенгашига депутат бўлиб сайланганимда ўттиз ёшда эдим, — дейди у. — Ўзим журналист бўлганим учун ён-атрофда кечаётган ҳодисаларни диққат билан ўрганардим, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қилардим. Маҳалла-қўйга озми-кўпми нафим тега, қувонардим. Меҳнат одамни танитишди, эл-улус унга ишонч билдирди. Бу ишончни оқлаш учун ҳаёт талабини чуқур ўрганиш, шунга яраша фидойий бўлиш, ишлаш керак, албатта.

ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ЙЎЛ...
Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепция мамлакатимиз тараққиётда том маънода янги даврни бошлаб берди. Унда белгиланган вазифалар депутатларнинг янги фаолияти, янгица ишлашини талаб этмоқда. Бунинг учун бор куч-ғайратни, ҳаётий билим ва

борни қаратишга ҳаракат қилаёلمиз.

ФУҚАРО МУРОЖААТИ...
Депутат фуқаролардан тушган муурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар кўради. Ўз вазифаси ва бурчини чуқур англаган депутат сидқидилдан ишлайди, электротар муаммоларига масъулият билан қарайди.

— Муурожаатларга муносиб жавоб қайтариш ўз-ўзидан бўлмайди. Энг аввало, масаланинг илдизига етиб бориш керак, — дейди Комила Каромова. — Шунинг учун сайловчилар билан кўп учрашаман. Уларнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Утган йили коммунал соҳа, ишга жойлаштириш, кредит олиш, соғлиқни тиклаш масаласида 200 дан ортиқ оғзаки ва ёзма муурожаат тушди. Уларни ўрганиш ва ҳал этиш жараёнида амин бўлиш керак, аҳоли орасида янги қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида тушунтириш ишларини қўйиштириш лозим. Шу орқали ҳар бир одам ўзини ўйлантираётган муаммони қандай ҳал қилиш мумкин, бу борада кимга муурожаат қилиши керак, шуни англаб, тушуниб етати. Бу масалада биз депутатлар кўп ишлашимиз, тизим-тинчимаслигимиз лозим. Шу боис, сайловчилар билан кўпроқ учрашимиз, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини оширишга интилишимиз зарур. Тан олиш керак, бу борада камчиликлар оз эмас.

Ҳар бир депутат сайловчилар билан учрашувга пухта тайёр-гарлик кўради, албатта. Ҳар бир фикрни ҳаётдан олган мисоллар орқали содда ва тушунарли тилда сайловчига етказиш керак. Сайловчилар қонун ижодчилик борасидаги янгиликларни қизиқиб билан тинглайди, бу мени руҳлантиради. Қувонарлик, бугун одамларимизнинг он-гу таваққурида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Учрашулар давомида улар ўз шахсий му-

аммолари эмас, балки ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳақида кўпроқ фикр билдиришади. Бу, улар ислохотлар тақдирига бераққ эмаслигини кўрсатади.

ОИЛА КЎРКИ...
Кишида ҳалоллик, ростгўйлик, меҳроқибат каби фазилатлар шаклланишида оила муҳим ўрин тутди.

Комила Каромова оиласини Қарши шаҳрида кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Доим эл назарида бўлиш осон эмас. Оилани ҳар бир аъзоси бунчи ҳис қилиб ўшади.

Фарзанд ҳаммаша ота-онадан ўрнак олади, яхшиликни улрандан ўрганади. Ота-она эл назарида тушса, маҳалла-қўй орасида обрў топса, бола ҳам келажакда шундай бўлишга интилади. Беҳуда, ўткинчи нарсаларга берилмайди.

Комила Каромова икки ўғил, бир қизнинг меҳрибон онаси, на-бираси Шоҳжаҳоннинг суюкли бувиси. Фарзандлари олий маълумотли. Катта ўғли Олимжон — иқтисодчи, Хуршид — ҳуқуқшунос, Умида — биолог.

— Аёл фарзанд тарбиясига ҳеч қачон иккинчи даражали масала сифатида қарамаслиги керак, — дейди Комила опа. — Ҳар ҳолда, шунга амон қилиб кам бўлмади. Турмуш ўртоғим Акрамжон Каримов билан болаларимиз ёшлиқдан одоб-ахлоқли, билимли бўлишига жиддий эътибор қаратдик. Уларни меҳнатсеварликка ўргатдик. Уғил-қизларимиз ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга интилдик. Шукрки, фарзандларимиз ўқимини, меҳнатсевар бўлиб улғайди.

Ҳозир болаларимнинг барчаси ўз соҳасида илмий изланиш олиб бораётти. Уларнинг интилиши келажакда самара берса, тараққиётга озми-кўпми ҳисса қўлса, бир она сифатида жамият олдидаги бурчимни адо этдим, деб қувонаман.

Лолаша ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан 2006 йилда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, кучли фуқаролик жамияти куришга иштирокини таъминлаш мақсадида ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилган. Айни чоғда унинг 154 минг нафардан ортиқ аъзоси бор.

Мухтасар АБДУРАХМОНОВА, ЎЗХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари:

— Бугун ҳаётнинг қайси бир жабҳасига қараманг, унда аёлларнинг муносиб иштирокини кўрасиз. Жамият ҳаётида аёлларимизнинг ўз ўрни бор. Бугун аёл — депутат, аёл — олимпиада, аёл — етакчи, аёл — раҳбар... Бу ҳам бизнинг бахтимиз. Агар аёл фаол бўлса, у нафақат оиласи, балки бутун бир мамлакат фаровонлигига ҳисса қўшади. Агар аёл фаол



бўлса, фарзандлари ҳам ундан ўрнак олади. ЎЗХДП «Фаол аёллар» қанотини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида. Илк бор сиёсий партияда



Адиба АХМАДЖОНОВА, ЎЗХДП Чилонзор туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 1999 йил аъзо бўлганман. Ушанда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежиди таҳсил олардим. Кейинроқ бошланғич партия ташкilotи етакчилигига сайландим. Шундан сўнг партия ҳаётимнинг бир бўлагига айланди. 2010 йил эса ЎЗХДП Чилонзор туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси бўлдим. Шу кунгача қанотимиз фаолияти ёшлар манфаатига қаратилган кўллаб-қувватлаш билан чиқишди. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларни мутахассислиги асосида ишга жойлаштириш бўйича олиб борилган мониторинг жараёнларида улар фаол иштирок этди. Шунингдек, ўтган йили қанот қошида ёшларни доимий меҳнатга жалб этиш мақса-

дида турли соҳалар бўйича сервис ва тўғарақлар маркази очдик.

Айни пайтда ўзим ўқиган коллежда мусиқадан дарс бераман ва шу бўлимга раҳбарман. Баъзида яқинларим, санъаткор бўлганим, бунинг устига аёл эканимни назарда тутиб, сиёсий фаолиятга қизиқшимдан ҳайрон қолишади. Утган йили «Ёш селёсатчи — 2011» кўрик-танловиди иштирок этиб, Тошкент шаҳри бўйича иккинчи ўринни эгалладим.

Келажакда депутатликка ўз номзодимни қўйишни мақсад қилганман. Бунинг учун эса янада кўпроқ интилиш, ўқиш ва ўрганишдан қочмаслик керак.

Ўринбосариман. Биласизми, коллежда эндигина келган пайтда, аёллар жуда кам эди. Чунки бу соҳага қизиқадиган, бу мутахассисликка эга хотин-қизларни топиш ари маҳол бўлган. Бугун эса жамоамизнинг девярли тенг яримини аёллар ташкил этади. Бу ҳам жамиятда биз аёлларнинг турли соҳалардаги маънавий охиб бораётганидан дарак беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Дилшод НАРУЗУЛЛАЕВ
ёш бўлди.

Спорт

ИЛК УЧРАШУВЛАР, КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, футбол бўйича қитъамиз клублари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги гуруҳ учрашувлари бошланди.



Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон кубоги соҳибига — «Пахтакор» жамоаси Жиддада «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) футболчилари меҳмони бўлди. Мавсумнинг илк расмий учрашувида майдонга тушган пахтакорчиларнинг кутилмаганда ўйини қовушмади, биринчи бўлимда химоячи Александр Клецковнинг майдондан четлатилиши ҳамюртларимизни қийин аҳволга солиб қўйди. Натижада футболчиларимиз рақибларига имкониятни бой берди — 0:4.

Мамлакат чемпиони — «Бунёдкор» футболчилари «Е» гуруҳида тўп суришмоқда. Дастлабки турда Миржалол Қосимов шогирдлари ўз майдонида Австралиянинг «Аделиада Юнайтед» вакиллари қабул қилди. Гарчи, учрашув бунёд-

корчиларнинг устунлигида ўтган бўлса-да, химоя чизиғида йўл қўйилган хатолардан унумли фойдаланган «яшил қитъа» футболчилари галаба қозонишди (1:2). Ҳамюртларимиздан ягона голга Камолддин Мурзоев муаллифлик қилди.

Осиё чемпионлар лигаси дебютанти «Насаф» жамоаси «А» гуруҳидан жой олган. Қаршиликлар 6 март куни ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Жазира» аъзолари билан куч синашиши лозим эди. Бироқ об-ҳаво ноқулайлиги боис, бу учрашув кеча бўлиб ўтди.

Учрашувни мезбонлар кўтаринки ва хужумкор руҳда бошлашди. Аввалига 3-дақиқада Фозил Мусаев ўйинда ҳисобни очган бўлса, орадан ўн беш дақиқа ўтгач, «Ал-Жазира» жамоа-

си химоячиси кутилмаганда ўз дарвозасини ишғол этиб қўйди — 2:0. Кўпчилик мухлислар ушбу бахсда қаршиликлар йирик ҳисобда галаба қозонишига умид қилаётган лаҳзаларда, аниқроғи, 39-дақиқада меҳмонлар ўртадаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлдилар.

Афсуски, танаффусдан сўнг, Ғўзқул Бердиев шогирдлари ташаббусни тўлиғича рақибларига бериб қўйишди. Яқунда «Ал-Жазира» футболчилари иккинчи бўлимда мезбонлар дарвозасини яна уч бора ишғол этиб, уйга галаба билан қайтишди — 2:4.

Охириги миллий чемпионатимизда тўртинчи ўринни эгаллаган «Нефтчи» футболчилари ОФК кубоги баҳсларининг «Д» гуруҳида ўз омадларини синаб қўришмоқда. Фарғоналиклар кеча Иорданиянинг етакчи жамоаларидан бири «Ал-Вихдат» клуби аъзоларига қарши майдонга тушдилар.

Осиё чемпионлар лигасида катнашаётган жамоаларимиздан фарқли ўларок, Юрий Саркисян шогирдлари ўз мухлисларини қувонтиришди. Аввалига учрашувнинг 5-дақиқасида Азиз Алижонов пенальтидан иорданияликлар дарвозабонини доғда қолдирди. Сўнгра 80-дақиқада Анвар Бердиев рақибларини иккинчи марта учрашувни майдон марказидан бошлашга мажбур қилди. Ўйин тугашига садоқлик дақиқалар қолганида меҳмонлар ўртадаги фарқни қисқартиришнинг урдасидан чиқишди — 2:1.

БИТТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ

Гамбургда таэквондо (WTF) бўйича анъанавий «Германия Опен — 2012» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Дунёнинг олтин миш мамлакатидан 1100 нафар спортчи иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Унда Жасур Бойқўзиёв (87 кг) шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Дмитрий Ким (74 кг) ҳамда Дилобар Сайдуллаева (57 кг) эса турнирнинг бронза медаллари билан тақдирланди.

Эркин ХУЛБОБО

Байрам арафасида

Самарқанд шаҳрида қад ростлаган мухташам ва кўркем спорт мажмуасида хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, ўз саломатликларини тиклашлари учун барча қулайликлар яратилди.

САМАРҚАНДДА АЁЛЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Ушбу марказни ташкил этиш режаси вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган сўнг, қисқа муддатда қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Фуқрат Ҳожиёв. — Бу ерда аёллар йиғирмага яқин спорт тури билан шуғулланиш имкониятига эга.

Бундай марказ очилишини кўпдан бери орзу қилардим, — дейди спорт-соғломлаштириш маркази аъзоларидан бири Феруза Раҳмонова. — Ҳозир аэробика ва шейпинг тўғрисида қатнашяман. Бу ердаги қулайликларнинг қай бирини таърифлашни билмайман, киши. Ундаги замонавий спорт жиҳозлари, залларнинг шинамлигини айтмайми?! Айниқса, ёш болалари оналар шароитлари ҳисобга олинганлигидан хурсанд бўлишим. Улар кичик ёшдаги фарзандларини бемалол марказнинг махсус болалар ўйин майдончасига қўйиб, ўзлари истаган спорт турлари билан шуғулланишлари мумкин.

Абдували ХУДОЁРОВ

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Қурилиши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1.	Самарқанд вилоят прокуратураси маъмурий биносини реконструкция қилиш	2 859 460 001 сўм	2 382 883 334 сўм	15 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжинириг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолаш-

да кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин куйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.



«Асака» банк (ОАЖ)

Мунис оналаримиз,
меҳрибон опа-сингилларимиз,
лобар қизларимизни

— Халқаро хотин-қизлар кунини
билан табриклайди!

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Ko'chibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
19850
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 23.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5